# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ҲАР ОЙЛИК НАФАҚАЛАР ВА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАР

**2008 йил 28 апрелдаги 157-сон Қонун** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* **билан «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига киритилган ўзгартиш** Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари билан тақдирланган шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдор ва тартибларда **ҳар ойда** пул нафақалари олишларини аниқлаштиради. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва Фахрий ёрлиғи сингари давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар эса қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлардан фойдаланадилар ҳамда бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғасини оладилар.

**Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 29 апрелда эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирган.**

### АДВОКАТЛАР БИРЛАШМОҚДА

**Президентнинг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3993-сон Фармонига мувофиқ** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*, суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси бўлиб адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш ҳисобланади. Унинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

– адвокатуранинг самарали ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизимини ташкил қилиш;

– адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳа бўйича иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташини белгилаш, шунингдек адвокатларнинг мунтазам равишда касбга оид малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш;

– адвокатурани ҳалол ва касб маҳорати юқори мутахассислар билан тўлдиришни таъминлайдиган самарали лицензиялаш тизимини ташкил этиш;

– адвокатлик тузилмаларининг ваколатларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий мақомини белгилаб бериш;

– жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш;

– ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмасликка қаратилган тарафлар вакиллиги институтини босқичма-босқич такомиллаштириш;

– адвокатлар томонидан касб этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш механизми ва адвокатларга нисбатан интизомий иш юритиш тизимини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида Ўзбекистон Республикаси **барча адвокатларининг мажбурий аъзолигига** асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилмоқда. Унинг фаолияти адвокатлар томонидан тўланадиган кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Палатанинг асосий вазифалари белгиланди, у юридик шахс мақомига эга нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, ўзининг ҳудудий тузилмалари билан биргаликда адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этади. У адвокатлар қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслик тамойили асосида фаолият кўрсатади.

### БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ УЧУН ЖАВОБ БЕРАСИЗ

**Президентнинг 2008 йил 24 апрелдаги «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» ПҚ-843-сон қарори билан Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*.

2008 йилнинг 1 июлидан баҳолаш фаолияти фақат лицензияга, ўз номи ёзилган муҳрга, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланган. Баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахслар эса баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолашни ўтказишга фақатгина ўша ташкилотнинг штатида турган тақдирда ёки у билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузган бўлса жалб этилишлари мумкин.

Белгиланишича, қуйидагиларни:

– қимматбаҳо қоғозлар, улушлар, интеллектуал мулк объектлари ва бошқа номоддий активлардан ташқари кўчар мол-мулкни баҳоловчи ташкилотлар – энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1 500 баробарига тенг миқдорда устав капиталига, шунингдек штатида камида иккита баҳоловчига эга бўлиши;

– мулкий комплекс сифатидаги корхонадан ташқари кўчмас мулкни баҳоловчи ташкилотлар – ЭКИҲнинг камида 2 000 баробарига тенг миқдорда устав капиталига, шунингдек штатида камида учта баҳоловчига эга бўлиши;

– бизнесни (мулкий комплекс сифатидаги корхонани, барча турдаги моддий ва номоддий активларни) баҳоловчи ташкилотлар – ЭКИҲнинг камида 2 500 баробарига тенг миқдорда устав капиталига, шунингдек штатида камида тўртта баҳоловчига эга бўлиши шарт.

Амалда фаолият юритувчи баҳоловчи ташкилотлар 2008 йилнинг 1 сентябригача бўлган муддатда устав капитали миқдорларини ҳамда бошқа мажбурий талабларни Низомда белгиланганидек бажаришлари шарт, шундан сўнг улар ваколатли давлат органлари томонидан ўрнатилган тартибда қайтадан рўйхатга олинадилар ва баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун уларга янги нусхадаги лицензиялар берилади.

### ЕТАКЧИЛАР ОЛДИГА ВАЗИФА ҚЎЙИЛДИ

**Президентнинг 2008 йил 29 апрелдаги «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-847-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* билан низом жамғармасида давлат улуши камида 51 фоизни ташкил этадиган етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари рўйхати тасдиқланди. Улар олдига қуйидаги вазифалар қўйилган: илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда, лойиҳалаштиришнинг замонавий ва илмий жиҳатдан асосланган технологик тартибини ишлаб чиқишда иштирок этиш; муаллифлар томонидан лойиҳалаштирилган объектлар қурилишининг барча босқичларида сифатли муаллифлик назоратини таъминлаш; ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда иштирок этиш ва бошқалар.

Етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотларининг лойиҳалаш фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек шаҳарсозлик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари буюртмачиси бўлиш, жумладан мазкур ишларни қурилиш меъёрлари, қоидалари ва стандартларига киритишни, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида янги концепцияларни яратиш вазифалари ЎзР Давархитектқурилиш қўмитаси зиммасига юклатилди.

### БУ ЕРДА ОЛИМПИАДАЧИЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

**Президентнинг 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ-848-сон қарори** билан Тошкент шаҳрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида Республика олимпия захиралари теннис мактаби ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари қаторига юқори тоифали теннисчиларни тайёрлашни ташкил этиш учун зарур замонавий моддий-техника базасини ва малакали мураббийлар таркибини яратиш; теннисчилар ва мураббийлар таркибининг касб маҳоратини ошириш бўйича хорижий теннис мактаблари, академиялари ва клублари билан тажриба алмашиниш ривожлантириш ва бошқалар киради.

Ушбу мактабга фақат танлов асосида, теннис клублари ва спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, теннис билан шуғулланиш учун зарур спорт аломатларига ва юқори даражали теннисчиларни тайёрлаш учун тегишли салоҳиятга эга бўлган иқтидорли йигит ва қизлар орасидан қабул қилинади.

У ўқувчиларнинг бадаллари, ҳомийлар ҳамда Давлат бюджети 6-бетда

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 6 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1221,66 | 1 Малайзия ринггити | 413,66 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2584,70 | 1 Польша злотийси | 590,44 |
| 1 Дания кронаси | 272,80 | 1 СДР | 2122,86 |
| 1 БАА дирҳами | 355,48 | 1 Туркия лираси | 1020,38 |
| 1 АҚШ доллари | 1305,47 | 1 Швейцария франки | 1258,28 |
| 1 Миср фунти | 243,00 | 1 ЕВРО | 2034,97 |
| 1 Исландия кронаси | 17,59 | 10 Жанубий Корея вони | 13,02 |
| 1 Канада доллари | 1288,97 | 10 Япония иенаси | 125,25 |
| 1 Хитой юани | 186,67 | 1 Россия рубли | 55,24 |
| | | 1 Украина гривнаси | 258,51 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 7.05.2008 | 1 | 0,828 | 1 | 1,2841 | 1 | 0,0349 |
| Арманистон | 7.05.2008 | 1 | 307,22 | 1 | 475,24 | 1 | 12,93 |
| Беларусь | 8.05.2008 | 1 | 2138,00 | 1 | 3313,04 | 1 | 90,01 |
| Грузия | 7.05.2008 | 1 | 1,46 | 1 | 2,2604 | 1 | 0,0615 |
| Қозоғистон | 8.05.2008 | 1 | 120,50 | 1 | 186,38 | 1 | 5,07 |
| Қиргизистон | 3.05.2008 | 1 | 36,4533 | 1 | 56,3878 | 1 | 1,5408 |
| Латвия | 8.05.2008 | 1 | 0,453 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0191 |
| Литва | 8.05.2008 | 1 | 2,229 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,3862 |
| Молдава | 7.05.2008 | 1 | 10,3641 | 1 | 16,0821 | 1 | 0,4369 |
| Тожикистон | 8.05.2008 | 1 | 3,4309 | 1 | 5,3275 | 10 | 1,4444 |
| Ўзбекистон | 6.05.2008 | 1 | 1305,47 | 1 | 2034,97 | 1 | 55,24 |
| Украина | 7.05.2008 | 100 | 505,00 | 100 | 784,164 | 10 | 2,1267 |
| Эстония | 7.05.2008 | 1 | 10,1161 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,425924 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

### АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

*2008 йил 6 май ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси*

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1316,00 | 1318,00 | 2034,00 | 2049,00 |
| "Асака" банки | 1316,00 | 1318,00 | 2035,00 | 2040,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1317,00 | 1319,00 | 2036,00 | 2050,00 |
| "Пахта Банк" | 1317,00 | 1319,00 | 2040,00 | 2045,00 |
| "Халқ банк"и | 1317,00 | 1319,00 | 2035,00 | 2048,00 |
| "Ипотекабанк" | 1317,00 | 1319,00 | 2035,00 | 2042,00 |
| "Микрокредитбанк" | 1317,00 | 1319,00 | 2035,00 | 2050,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1316,00 | 1319,00 | 2051,00 | 2057,00 |
| "UzKDBбанк" | 1317,00 | 1319,00 | 2035,00 | 2050,00 |
| "Ғаллабанк" | 1317,00 | 1319,00 | 2035,00 | 2044,00 |
| "Трастбанк" | 1317,00 | 1319,00 | 2035,00 | 2045,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1316,00 | 1318,00 | 2044,00 | 2049,00 |
| "Алоқабанк" | 1317,00 | 1319,00 | 2036,00 | 2051,00 |
| "Ў-Т банк" | 1316,00 | 1319,00 | 2036,00 | 2056,00 |
| "Туронбанк" | 1316,00 | 1318,00 | 2035,00 | 2050,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1316,00 | 1319,00 | 2035,00 | 2050,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1317,00 | 1319,00 | 2040,00 | 2050,00 |
| "Туркистон" банк | 1317,00 | 1319,00 | 2034,00 | 2044,00 |
| "Даврбанк" | 1316,00 | 1319,00 | 2035,00 | 2055,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1317,00 | 1319,00 | 2035,00 | 2065,00 |
| "Капитал банк" | 1317,00 | 1319,00 | 2035,80 | 2065,00 |
| "Содерат банк" | 1316,00 | 1318,00 | 2034,00 | 2049,00 |
| "Универсалбанк" | 1316,00 | 1318,00 | 2051,00 | 2054,00 |
| "Парвинабанк" | 1316,00 | 1319,00 | 2037,00 | 2040,00 |
| "Равнақбанк" | 1316,00 | 1318,00 | 2034,00 | 2049,00 |

*«Банк ахборотномаси» 20 (627)-сон, 2008 йил 7 май.*

УШБУ СОНДА:

✓ **ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИЛАР НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА**
– Ижтимоий реклама жамият манфаати йўлида
– «Рақобат – пировард мақсад эмас...»
– Аксарият озчилик *1, 3-бетлар*
✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси *2, 6-бетлар*
✓ **АУДИТ**
– Аудиторлик ташкилотлари рейтингининг шаклланиши
– Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг рейтинг баҳосини бериш бўйича низом
– Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш услубияти *4-5-бетлар*
✓ **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Меҳнат даври солномасини юритамиз *6-бет*
**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори:**
– «Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида».
**Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**
– ЎзР молия вазирининг «Авиакеросин ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи;
– ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқлаш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР ДБҚнинг «Божхона транзит режими тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР ДБҚ, МВ, ДСҚнинг «Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларнинг мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида».
**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 29 мартдан 18 апрелгача бўлган маълумот.** *7-10-бетлар*
✓ **БИЗНЕС-ПАНОРАМА** *11-16-бетлар*

# «РАҚОБАТ – ПИРОВАРД МАҚСАД ЭМАС...»

1-бетда

сиёсати аввал-бошдан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғланган, уларни таъминлашнинг иқтисодий асоси ҳисобланади.

Ҳатто ҳозир ҳам хўжалик бошқаруви органлари ва жойлардаги ҳокимият органларининг баъзилари рақобат сиёсатини – у нимага йўналтирилганлиги, умуман нима учун зарурлигини тушунмайдилар... Уларнинг кўп ҳаракатларида бир лаҳзалик тармоққа оид ёки ҳудудий манфаатлар устун туради.

Муайян тармоқлар сиёсати ва мақсадларини идоравий манфаатлар нуқтаи назаридан бир лаҳзалик чоралар билан ҳал қилиш мумкин, улар дарҳол зарур самарани беради. Масалан, хом ашё билан таъминлаш, йўналтирилган преференциялар ва бошқалар. Жараёнга аралашмаслик ҳам мумкин. Бозорнинг ўзи хом ашё нархини шакллантирсин. Истисносиз барча корхоналар учун биржа савдолари орқали унга эркин киришни таъминлаш зарур. Шунда улар бир-бирлари билан рақобат курашида ривожлана бошлайди ва шу тариқа биз муайян тармоқни ривожлантириш стратегиясида назарда тутилган мақсадларга эришамиз.

**Рақобат ва рақобат муҳити – турли тушунчалар. Рақобат ривожланган бўлиши, бир бозорда юзлаб ишлаб чиқарувчилар ҳозир бўлиши мумкин. Агар ушбу бозорга бошқарув органлари аралашсалар, бунда рақобат муҳити бўлмаслиги мумкин.**

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, жараёнга қанча кам аралашилса, бозор

> *«Рақобат йўқ бўлган жойда кишилар тинч ухлайдилар, бироқ турмуш тарзи ёмонлашади...»*
>
> **N.N.**

механизмлари шунча самарали ишлайди. Бунда рақобат муҳити ва бозор механизмлари бир-бирига эҳтиёж ҳис этиши намоён бўлади: уларнинг бири иккинчисисиз нормал ишлай олмайди.

– ***Муайян халқ истеъмоли маҳсулотларига вақти-вақти билан вужудга келадиган ҳаддан ортиқ талаб реал самарадор рақобат муҳитига етишимиз учун ҳали жуда кўп вақт керак деган фикрга олиб келади...***

– Яна бир бор такрорлайман, рақобат – пировард мақсад эмас. Рақобатни ривожлантириш ҳисобигагина товарлар сифатини яхшилаш ва нархларни пасайтиришга эришиб бўлмайди. Шу жумладан айрим тармоқларда – қатъий равишда тартибга солиш (маъмурий дастаклар) ёки йирик ва энг йирик корхоналарни сақлаб қолиш ҳам фойда бермаслиги мумкин.

– ***Монополияга қарши органлар зиммасига бугунги кунда банкротлик соҳасида давлат томонидан тартибга солишни таъминлаш вазифаси юклатилган, у, моҳиятига кўра, мулкни қайта тақсимлаш дастаги ҳисобланади...***

– Ушбу вазифа монополияга қарши органлар зиммасига 2005 йил майдан юкланган. Бундай қарорнинг асослилигини яна бир бор таъкидлашни хоҳлардим. Корхоналар банкротлиги соҳасидаги давлат сиёсати рақобат сиёсати вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ҳам ўтказилиши керак. Содда қилиб айтганда, агар банкрот бўлган корхонанинг янги мулкдори унинг фаолият соҳасини ўзгартирса, мазкур бозорда бошқа корхонанинг мавқеи устувор бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли монополияга қарши орган бирор-бир корхонанинг банкротлигини бошлаш масаласини кўраётганда энди буни товар бозорларининг концентрацияланиш даражаси эҳтимолий ўзгариши нуқтаи назаридан ҳам амалга ошириш имкониятига эгадир.

Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилиши зарур, чунки уларнинг нобарқарор молиявий ҳолати катта солиқ боқимондалари кўринишида бюджет даромадларида акс этади. Шу сабабли давлат бунга аралашиши керак. Корхоналардаги муаммоларнинг сабаблари таҳлил қилинганда кўпинча ёмон менежмент биринчи ўринга чиқади. Баъзи соҳиблар корхонани у банд этган ер туфайли сотиб оладилар. Улар ҳозир ҳам хўжалик фаолияти билан шуғулланишни хоҳламайдилар, уларни кўпроқ активлар қизиқтиради. Хўжалик соҳасида фаолият юритаётгандек кўриниб, кўпроқ кўчмас мулк ва ернинг нархи вақт ўтиши билан ошишига умид қилади. Шу сабабли давлат ушбу хўжалик субъектини миришкорроқ соҳибга, маҳсулот ва иш жойлари барпо эта оладиган тадбиркорга беришдан манфаатдор. Яъни бу – нафақат иқтисодий, балки ижтимоий сиёсат ҳам: иш жойларини қисқартиришга йўл қўймаслик мақсади кўзланади.

– ***Агар сўз давлат улуши бўлган корхоналар тўғрисида бормаганда, бу иқтисодиётга аралашмаслик ва ўша бозор механизмларининг устуворлиги кўрсатмасига зид бўлар эди...***

– Жаҳон амалиёти ана шундай: дунёнинг бирорта мамлакатида сизга осонгина бирор нарсага эгалик қилиш ва бунда солиқ тўламасликка йўл қўйишмайди. Бундан ташқари, агар бизнес ривожланмаслиги учун объектив сабаблар бўлса, бизда ишлаб чиқаришни консервациялашнинг расмий таомили мавжуд, дарвоқе, у корхонанинг ўзи учун фойдали. Мисол учун, бешта цеҳдан фақат биттаси ишлаяпти, бироқ корхона ҳаммаси – солиқлар, электр энергияси ва ҳоказолар бўйича харажат қилмайди.

Мен бошқа нарса ҳақида сўзламоқчи эдим: монополияга қарши орган ҳузурида бугунги кунда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси мавжуд, у монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузувчиларга солинадиган жарималар бир қисми ҳисобига шакллантирилади. Бундан монополияга қарши орган жарималарнинг катта суммада бўлишидан манфаатдор деган таассурот туғилади. Ҳуқуқбузарларни ҳақиқатан ҳам аниқлаш зарурлиги буни муайян даражада оқлайди. Бунинг устига ушбу жарималарнинг жуда катта қисми Молия вазирлиги ҳузуридаги Нархларни бошқариш жамғармасига келиб тушади ва нарх сиёсатини амалга оширишга йўналтирилади. Бироқ жаҳоннинг кўп мамлакатларидаги амалиёт ушбу масалага бошқа ёндашувларнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

Фикримча, ушбу Жамғарма жарималар ҳисобига эмас ёки, ҳеч бўлмаганда нафақат улар ҳисобига, шакллантирилмаслиги керак. Қонунчиликда хўжалик юритувчи субъектларнинг корхоналарни қўшиб олиш, қўшиш ва ҳоказоларга розилик олиш учун монополияга қарши органга мурожаат қилишлари назарда тутилган. Кўп мамлакатларда бундай сўровларга жавоб бериш пулли асосда амалга оширилади. Бу ҳақ, мисол учун, қўшиш бўйича сўралаётган сумманинг озгина фоизи бўлиши мумкин. Зеро қўмита ҳар қандай ҳолатда айни ушбу мурожаат муносабати билан муайян ишни бажаради, бозорни таҳлил қилади, ахборот йиғади, баъзан баҳолаш ва экспертизага 1-2 ой кетади. Ўйлашимча, солинадиган жарималардан фоизлар олишга қараганда бундай амалиёт асослироқдир. Айни шу назорат қилувчи органнинг эмас, балки рақобатни ҳимоя қилаётган, бозорларни монополиялаштиришга йўл қўймайдиган органнинг руҳини акс эттиради. Бир тизимдан бошқасига ўтиш учун на амалдаги, на янги таҳрирдаги қонунни алмаштиришга тўғри келади.

– ***Бундай ҳолда, пулли хизмат кўрсатилиши шароитида, монополияга қарши органнинг ўзи мазкур хизматни тақдим қилиш соҳасида монополистга айланадими?***

– Йўқ. Қатъиян йўқ дейман! Биринчидан, бу – хизмат эмас. Исталган давлат органи зиммасига фақат унга хос функциялар юкланади. Агар давлат уларнинг бир қисмини пулли қилишни мақсадга мувофиқ деб қарор қилиб, бож ёки тарифлар белгиласа, бу белгиланган тартибда ҳукумат қарори билан амалга оширилади.

# АКСАРИЯТ ОЗЧИЛИК...

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази билан биргаликда 2000-2007 йилларда Ўзбекистонда монополияга қарши сиёсатни ривожлантириш, унинг ҳолати, тамойиллари ва муаммолари тўғрисида таҳлилий маърузани чоп этди[1]. Рисолада монополиялар маҳсулоти ва хизматларига нархларнинг бевосита давлат томонидан тартибга солинишини ўртача муддатли истиқболда сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қизиқарли хулосалар ҳам мавжуд.***

***Маъруза муаллифларининг фикрича, улар сирасида иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидова ва Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Боймурод Улашов бор, «монопол юқори нархлар ҳар доим ҳам давлатнинг аралашувини тақозо этмайди. Бундай нархлар ва фойда олиш имконияти аллақачон бозорда фаолият юритаётган корхоналарни маҳсулот чиқаришни кенгайтиришга, бошқа корхоналарни эса бозорга киришга рағбатлантиради. Бундай кириш учун тўсиқлар вужудга келган тақдирдагина давлат аралашиши керак»...***




Эълон қилинган маълумотларга қараганда, кейинги 10 йил ичида[2] республикада монополиячи корхоналар миқдори анча камайган: озиқ-овқат товарлари соҳасида 147 тадан 17 тага; енгил саноатда – 56 тадан 9 тага; хизматлар кўрсатиш соҳасида – 257 тадан 137 тага; қурилиш материаллари бозорларида 87 тадан 21 тага қисқарган. «Файз» АЖ ҚК (ошхона мебели), «Сантехжиҳоз» АЖ (конвекторлар), «Фонон» ИИЧБ (заргарлик буюмлари), «Ўзкабель» АЖ (кабель маҳсулоти), «Қоракўл» АЖ (қоракўл терилари), «Ўзкимёфарм» АЖ (дори воситалари), «Ўзкимёмаш» АЖ (компрессорлар) ва бошқа кўплаб миллий компаниялар **устувор мавқени бой бердилар. Айни вақтда** «ТТЗ» АЖ, Самарқанд лифтсозлик заводи, «АГМК» ОАЖ, «Қизилқумцемент» АЖ, «Ўзметкомбинат» АИЧБ, «Подъёмник» АЖ, «Шакаринвестмент» ҚК, «Хоразм-шакар» АЖ, «Аммофос» АЖ, «Навоийазот» АЖ, Шўртан ГКХ ва бошқалар **бозорларда ўз мавқеларини ҳозирча сақлаб туришибди ва бошқалар билан бир қаторда монополист корхоналар реестрида қайд этилмоқда. 2007 йил 1 июлдаги ҳолат бўйича Монополист корхоналар давлат реестрида 170 хил маҳсулот ва хизматлар бўйича жами 240 хўжалик юритувчи субъект қайд этилган.** Уларнинг ҳар бири тарифлар ва ставкаларни асоссиз оширишга йўл қўймаслик учун «олдиндан асосий истеъмолчилар билан келишилган» ўз чегараланган эркин нархлари ёки рентабеллик даражаларини молия органларида декларациялашлари шарт.

> ***Маърузадан:*** *«Амалиётнинг кўрсатишича, чегараланган нархлар ва рентабеллик нормативини қўллаган ҳолда нарх белгилашнинг давлат томонидан тартибга солиниши кўпчилик ҳолларда ижобий натижа бермайди, чунки у бозор муносабатларини ҳисобга олмасдан нархларни шакллантиришнинг чиқимли механизмига қурилган. Нархларни декларациялашнинг бюрократик таомилини қўллаш корхоналарнинг бозорда нархларни манёвр қилиш имкониятини камайтиради. Бунинг устига, монополист корхоналар учун нархларни белгилаш рақобатчилар маҳсулотига шаклланган нархларни ҳисобга олмайди»...*

Маъруза муаллифларининг фикрича, кейинчалик нархларни назорат қилиш дастаги сифатида монополистлар реестри бекор қилиниши керак. Ҳукумат ушбу йўналишда муайян қадамларни қўйиб, юқори ликвидли хом ашё ва маҳсулотларни реализация қилишнинг биржа механизмларини жорий қилди[3]. Бунинг устига, монополиялар маҳсулотига нархларнинг бевосита давлат томонидан тартибга солиниши, уларнинг фикрича, вақт ўтиши билан имкони борича камайтирилиши керак.

Нарх белгилашнинг умумий назоратига муқобил усул сифатида янада эркинроқ «нархлар мониторинги» таклиф қилиняпти. Бу нимани англатади? Биринчи навбатда декларациялашдан воз кечишни. Фақат нархлар кескин оширилганлиги далиллари аниқланганидан кейин – корхона ўзининг монопол мавқеини очиқдан-очиқ суиистеъмол қилганида уларнинг чегараланган даражасини белгилаган ҳолда уларнинг иқтисодий асосланганлигини таҳлил қилиш керак.

Табиий монополиялар соҳалари («Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва ҳоказолар) умумий қоидадан истисно бўлиб қолади, чунки уларнинг маҳсулоти ва хизматларига нархлар ҳамда тарифлар умумиқтисодий самарага эгадир. Уларда «мунтазам нарх назорати»ни қолдириш ва «тарифларни вақт доираларида ўзгартиришни қайд этиш»ни белгилаш таклиф қилинади. Буни табиий монополиялар соҳаларининг товарлари ва хизматларига нархларни олдиндан айтиб бўлмаслик тадбиркорлик хатарини анча ошириши ва умуман иқтисодиёт учун салбий омил ҳисобланиши тақозо этган. Ушбу назоратни мутахассислар Молия вазирлиги олиб бормаслигини тавсия қилмоқдалар...

> ***Маърузадан:*** *«Қонунда монополистнинг мақоми тақиқланмаган, балки унинг бозордаги ҳокимлигини суиистеъмол қилиши тақиқланади»...*

> ***Маърузадан:*** *«Табиий монополиялар соҳаларининг хизматлари ва товарларига нархларни тасдиқлашнинг ҳозирги заруратини ҳисобга олиб, ушбу фаолиятни амалга ошираётган орган ишининг самарадорлигини таъминлаш лозим. Нархларни тасдиқлаш уларнинг республика иқтисодиётига таъсиридан келиб чиқиши ва нархларни ошириш ҳисобига бюджетга тушумларни кўпайтириш мақсадини кўзламаслиги керак. Мазкур функцияларни молия органларидан ажратиш мақсадга мувофиқдир»...*

***Юлия ЯШИНА,***
***махсус мухбиримиз.***

[1] *«Ўзбекистон Республикасида рақобат сиёсати. 2000-2007 йилларда Ўзбекистонда монополияга қарши сиёсатни ривожлантириш, унинг ҳолати, тамойиллари ва муаммолари тўғрисида таҳлилий маъруза». Тошкент, 2007.*

[2] *Маърузада – 1996 йилдан 2007 йилнинг биринчи ярми охиригача.*

[3] *Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 57-сон қарори.*

● РЕКЛАМА

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда
30 дан зиёд офис ва 300 агент

- транспортнинг барча турларида юк ташиш
- юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш
- импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

# АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» ПҚ-615-сон қарорига мувофиқ аудиторларнинг жамоатчилик касбий бирлашмалари – Бухгалтерлар ва аудиторларнинг миллий уюшмаси ҳамда Аудиторлар палатаси 2007 йилдаги фаолиятлари якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари рейтинги ўтказила бошланишини эълон қиладилар. Унда 2007 йилда касбий фаолият юритган аудиторлик ташкилотлари иштирок этишлари керак.

Рейтинг ўтказиш учун республика жамоатчилик касбий ташкилотлари томонидан:

– Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш бўйича низом;

– Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш услубияти;

– Рейтинг ўтказиш жадвали ишлаб чиқилди.

Рейтинг ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун жамоатчилик касбий ташкилотлари «Аудитрейтинг» МЧЖ рейтинг агентлигини барпо этдилар.

Рейтинг ўтказиш ва унинг якунларини чиқаришни Жамоатчилик кенгаши қатъий назорат қилиб боради, унинг таркибига вазирликлар, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар жамоатчилик касбий бирлашмаларининг вакиллари киради.

Рейтинг хизмати пулли. Рейтинг якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларига рейтинг якунлари тақдим қилинади. Унинг умумлаштирилган якунлари республика оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Йиғилган материаллар асосида шахссиз кўринишда энг юқори, энг паст ва ўртачалаштирилган кўрсаткичлар, шунингдек ҳисобот даврида аудиторлик хизматлари бозорининг тамойилларини ўз ичига олган таҳлилий ҳисоботлар тайёрланади.

***ТАСДИҚЛАНГАН***

*ЎЗБЕКИСТОН АУДИТОРЛАР ПАЛАТАСИ*
***Бошқарув раиси Р.М.ҲАЙДАРОВ.***
*23-сон*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР МИЛЛИЙ УЮШМАСИ*
***Кенгаш раиси М.М.ТЎЛАХЎЖАЕВА.***
*99ᵃ-сон*

*2008 йил 18 апрель.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РЕЙТИНГ БАҲОСИНИ БЕРИШ БЎЙИЧА

# НИЗОМ

### УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» ПҚ-615-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш услубиятини *(бундан кейин матнда – Рейтинг баҳоси услубияти)* ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари томонидан Ўзбекистон аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини беришни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнларини тартибга солади.

Низом Ўзбекистон Республикаси аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари фаолиятини рейтингни баҳолашни ташкил этиш ва ўтказишда *(бундан кейин матнда – Рейтинг)* Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари ҳаракатларини тартибга солади.

### АСОСИЙ ТАЪРИФЛАР

***Рейтингни баҳолаш услубияти*** – унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятини рейтинг баҳолари ҳисобланадиган ҳужжат.

***Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш*** – Рейтинг учун саволлар рўйхатини ишлаб чиқиш, уни Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари ўртасида тарқатиш, улардан зарур ахборот олиш, олинган ахборотни киритиш ва унга ишлов бериш, Рейтинг якунлари ҳисоб-китоби ва уларни шакллантириш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ва тарқатишни ўз ичига оладиган жараён.

***Жамоатчилик кенгаши*** – Ўзбекистон Республикасининг аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари, Молия вазирлиги вакиллари, шунингдек юқори малакали аудиторлар, тегишли йўналишдаги илмий ходимлар ва ўқитувчилардан иборат бўлган жамоатчилик органи.

***Ишчи орган*** – аудиторларнинг жамоатчилик ташкилотлари махсус барпо этадиган, бевосита Рейтингни баҳолаш услубияти ва мазкур Низомга мувофиқ Рейтингни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижаларини чоп этиш (тарқатиш) жараёнини амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъект.

***Саволлар рўйхати*** – Жамоатчилик кенгаши тасдиқлаган, Рейтинг ўтказилаётганда аудиторлик ташкилотлари жавоб бериши шарт бўлган саволлар рўйхати.

***Рейтинг ўтказиш жадвали*** – Рейтинг ташкил этилиши бошланишидан унинг якунларини чоп этиш пайтига қадар вақт чегараларини акс эттирадиган ҳужжат.

***Рейтинг жорий даври*** – молиявий ва молияга оид бўлмаган кўрсаткичлари аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтинг баҳолашини ўтказиш чоғида таҳлил қилинадиган ҳисобот даври.

***Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхати*** – Рейтингни баҳолаш услубиятига мувофиқ рейтингни баҳолаш натижасида олинган аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтингини баҳолаш якунларининг бутун комплекти.

***Рейтингнинг умумлаштирилган якунлари*** – оммавий ахборот воситаларида чоп этиш учун мўлжалланган Рейтинг якунларининг қисқартирилган варианти.

### ПРЕДМЕТ ВА МАҚСАДЛАРИ

Мазкур Низом Рейтингни баҳолаш услубиятини ишлаб чиқишга, шунингдек Рейтингни ташкил этиш ва ўтказишга Ўзбекистон Республикаси жамоатчилик ташкилотларининг ягона талабларини белгилайди.

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Рейтингни баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш, Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш, Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш жараёнларини тартибга солиш мақсадида мазкур Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари томонидан Жамоатчилик кенгаши барпо этилади.

Жамоатчилик кенгаши таркибига қуйидагилар киради:

– Ўзбекистон Республикаси аудиторлар жамоатчилик ташкилотларининг ваколатли вакиллари;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакили;

– CAP/CIPA сертификатларига эга аудиторлар тимсолида Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотларининг вакиллари;

– аудит соҳасидаги илмий ходимлар ва ўқитувчилар.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг умумий миқдори тоқ бўлиши ва 7 кишидан кам бўлмаслиги керак. Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг аниқ таркиби ва миқдорини ҳар йили Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари белгилайди ва тасдиқлайди.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўз ишларини жамоатчилик асосида олиб борадилар ва ҳеч қандай кўринишда ҳақ олмайдилар.

Агар овоз беришда Жамоатчилик кенгаши аъзолари тасдиқланган таркибининг камида 2/3 қисми иштирок этса, кворумга эришилган деб ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгашининг аъзоси объектив сабабларга кўра (касаллиги, хизмат сафарига кетганлиги, меҳнат таътилидалиги ва ҳоказо) ҳозир бўлмаганда уни алмаштириш вариантлари масаласини Кенгаш унинг вакили Кенгашнинг ҳозир бўлмаган аъзоси ҳисобланган ташкилотдан бошқа номзодни тақдим этишдан келиб чиқиб, оддий овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларидан бирининг хизмат лавозими ўзгарганда у вакили бўлган ташкилот ўзининг бошқа вакили номзодини тақдим этиши шарт.

### ЖАМОТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ:

– Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтингини баҳолаш услубиятини тасдиқлаш;

– Рейтинг иштирокчиси бўлган аудиторлик ташкилотларига юбориладиган Саволлар рўйхатини *(бундан кейин матнда – Саволнома)* тасдиқлаш;

– Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини молиялаш манбаларини белгилаш;

– Рейтинг ўтказиш жадвалини тасдиқлаш;

– Рейтинг ўтказиш бўйича Ишчи орган раҳбарини тасдиқлаш;

– Ишчи органни молиялаш манбаларини, Рейтингда иштирок этиш баҳоларини тасдиқлаш ва Ишчи орган ҳисоботларини тинглаш;

– Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

– Якунлар тўлиқ рўйхати ва Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини тасдиқлаш;

– Рейтинг якунлари бўйича шикоятлар, Рейтинг жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ва мулоҳазаларни кўриш;

– лицензияловчи давлат органининг ваколатли шахсига Рейтинг ўтказиш учун материаллар аудиторлик ташкилотидан олинмаганлиги (ўз вақтида олинмаганлиги) тўғрисида маълум қилиш;

– Рейтингни баҳолаш услубияти ва мазкур Низом билан белгиланган қоидаларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш ҳамда келгусида бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш.

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

– объектив, холис бўлиш, муайян аудиторлик ташкилоти (ташкилотлари)нинг корпоратив манфаатларини кўзламаслик;

– ишчи орган ҳужжатларининг лойиҳалари, уларга доир таклифлар ва мулоҳазаларни 14 календарь кун мобайнида кўриш;

– Рейтинг ўтказиш давомида Ишчи органга таъсир кўрсатмаслик;

– Рейтинг якунлари ҳисоб-китоби ва шакллантирилишидан кейин унинг Рейтингни баҳолаш услубиятига мувофиқлигини текшириш;

– Якунларнинг тўлиқ рўйхати ва Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини тасдиқлаш;

– ўтказилган Рейтинг якунлари бўйича келиб тушган барча шикоятлар ва таклифларни кўриш;

– масалаларни муҳокама қилаётганда Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўртасида ихтилофлар юзага келган ҳолларда уларни амалий ҳал этиш йўлларини излаш;

– навбатдаги Рейтинг бошланиши олдидан Рейтинг ўтказиш жараёни ва Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш имкониятини кўриш;

– Жамоатчилик кенгаши ишида иштирок этиш вақтида олинган ахборотнинг махфийлигини сақлаш, уни учинчи шахсларга бермаслик;

– Жамоатчилик кенгашининг иш ҳужжатларини юритиш ва сақлаш.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига, шунингдек Рейтингни баҳолаш услубиятига доир ҳар қандай таклиф ва мулоҳазалари амалий, объектив бўлиши ҳамда Рейтингни ўтказиш жадвалига мувофиқ Рейтингни ўз вақтида ўтказишга тўсқинлик қилмаслиги керак.

Жамоатчилик кенгаши 14 календарь кун мобайнида Ишчи орган тақдим этган ҳужжат бўйича аниқ қарор қабул қила олмаса, ушбу ҳужжат Жамоатчилик кенгаши томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

Рейтинг якунларини ва/ёки уни ўтказиш пайтида Ишчи орган томонидан йўл қўйилган қоидабузарликларни кўриб чиқаётганда айни вақтда Ишчи орган аъзоси бўлган Жамоатчилик кенгаши аъзоси овоз беришда иштирок этмайди.

Жамоатчилик кенгаши раиси аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари орасидан сайланади, у Ишчи органнинг раҳбари бўла олмайди.

Рейтингнинг жорий даври учун Саволнома чоп этилганидан ва/ёки аудиторлик ташкилотларига юборилганидан кейин Жамоатчилик кенгаши мазкур ҳужжатга ҳар қандай ўзгартишларни киритиш ҳуқуқига эга эмас.

### ИШЧИ ОРГАН

Аудиторларнинг жамоатчилик ташкилотлари биргаликда хўжалик юритувчи субъектни таъсис этадилар, унинг уставга кўра фаолиятининг асосий йўналиши республика аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг рейтингини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш ҳисобланади.

Ишчи орган зиммасига қуйида саналган ишларни ташкил этиш ва ўтказиш юкланади:

– Рейтингни баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

– Рейтинг ўтказиш учун Саволнома ишлаб чиқиш;

– Ишлаб чиқилган ҳужжатлар лойиҳаларини Жамоатчилик кенгаши аъзоларига юбориш, уларни умумлаштириш учун таклиф ва мулоҳазаларни йиғиш;

– ишлаб чиқилган ҳужжатлар лойиҳаларини тасдиқлатиш учун Жамоатчилик кенгашига киритиш;

– Саволномани республика аудиторлик ташкилотлари ўртасида тарқатишни ташкил қилиш;

– аудиторлик ташкилотларидан олинган материалларни Рейтингни баҳолаш услубиятига мувофиқ йиғиш ва умумлаштириш;

– республика аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтингини баҳолашни ўтказиш;

– Рейтинг якунлари тўлиқ рўйхатини шакллантириш, Рейтингнинг умумлаштирилган якунларига тушунтиришлар матнларини тайёрлаш;

– Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини Жамоатчилик кенгаши тасдиқлашига киритиш, хатолар ёки Рейтингни баҳолаш услубиятидан четга чиқишлар аниқланган тақдирда уларни дарҳол тузатиш чораларини кўриш;

– Жамоатчилик кенгаши тасдиқлашига Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини тақдим этиш;

– Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини тарқатиш учун материалларни тайёрлаш;

– Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ва тарқатишни ташкил этиш;

– Рейтингни баҳолаш услубияти бўйича таклиф ва мулоҳазаларни қабул қилиш, шунингдек Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича шикоят ва таклифларни йиғиб, кейинчалик уларни Жамоатчилик кенгаши кўриб чиқишига топшириш;

– шахссизлантирилган ва умумлаштирилган кўринишда аудиторлик хизматлари бозорининг таҳлилий ва маркетинг тадқиқотларини тайёрлаш, шунингдек уларнинг якунларини тижорат асосида тарқатиш;

– Ишчи органнинг иш ҳужжатларини юритиш ва сақлаш.

Ишчи органнинг Рейтингни ташкил этиш ва ўтказишга доир барча ишлаб чиқилган ҳужжатлари, шунингдек мазкур Низомни ва Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш бўйича ўзгартиришлар Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

Аудиторлик ташкилотлари рейтингининг умумлаштирилган якунлари оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини аудиторлик ташкилотлари бевосита Ишчи органдан оладилар.

Ишчи орган аудиторлик ташкилотларидан олинган материаллардан шахссизлаштирилган ва умумлаштирилган кўринишда республика аудиторлик хизматлари бозорининг ҳолатини тавсифлайдиган таҳлилий материаллар ва маркетинг тадқиқотларини тайёрлаш учун фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

### РЕЙТИНГ ЎТКАЗИШ ЖАДВАЛИ

Рейтинг ўтказиш жараёни устидан вақтинчалик назорат ўрнатиш учун Жамоатчилик кенгаши Рейтинг ўтказиш жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Жадвалда Рейтингни ўтказиш бутун таомили



аниқ кўрсатилади, у Саволномани ишлаб чиқишдан бошланади, ахборот йиғиш ва умумлаштириш, Рейтинг ҳисоб-китоби, унинг натижаларини Жамоатчилик кенгаши билан келишиш жараёнларини ўз ичига олади ва Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини оммавий ахборот воситаларида чоп этиб, кейинроқ Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини республика аудиторлик ташкилотларига юбориш билан якунланади.

Рейтингнинг жорий даври учун Жадвал тасдиқланганидан кейин рейтингни баҳолаш тугаллангунига қадар Жамоатчилик кенгаши уни ўзгартиришга ҳақли эмас.

## РЕЙТИНГНИНГ ЖОРИЙ ДАВРИ

Рейтинг ўтказишнинг жорий даври деганда аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг унинг якунлари бўйича улар фаолияти рейтинг баҳолари ҳисобланадиган аниқ ҳисобот даври тушунилади.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳисобот даври деб бундан аввалги ҳисобот даврининг якунлари ҳисобланади.

## РЕЙТИНГ ЎТКАЗИШ УЧУН САВОЛЛАР РЎЙХАТИ

Ишчи орган Рейтинг ўтказиш олдидан ҳар гал республика аудиторлик ташкилотларига юбориладиган, Рейтинг ўтказиш учун саволлар рўйхатини ишлаб чиқади ҳамда Жамоатчилик кенгаши кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақдим этади.

Саволлар жамликда республика аудиторлик ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолиятини тавсифлаши ва барча аудиторлик ташкилотлари учун бир хил бўлиши керак.

Жавоби аудиторлик ташкилотларининг маълумотлар махфийлигини сақлаш ҳуқуқини камситиши мумкин бўлган саволлар Рўйхатга Жамоатчилик кенгашининг қарорига кўра, махфийликни сақлаш ва улардан Ишчи орган шахссизлаштирилган (умумлаштирилган) кўринишда фойдаланиши шарти билан, киритилиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этилган материалларни тасдиқлаш учун Ишчи орган Жамоатчилик кенгаши билан келишган ҳолда уларнинг молия ҳисоботини (1-5-сон шакллар), шунингдек Саволлар рўйхатига кирадиган, молиявий ҳисоботда акс этмаган маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эгадир.

Ишчи орган Жамоатчилик кенгашининг кўрсатмасига кўра ҳар гал тақдим этилган материалларнинг тўғрилигини бевосита аудиторлик ташкилотларида текшириш ҳуқуқига эгадир.

## РЕЙТИНГНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИ

Рейтингни баҳолаш услубияти Рейтингнинг жорий даври учун аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини умумлаштириш ҳамда таққослашга йўналтирилган ҳужжатдир.

Услубиятда аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари улар ўхшашлиги аломатларига боғлиқ ҳолда гуруҳларга бўлинади, улар Рейтинг мақсадларида «параметр» деб номланади. Ҳар бир параметр аудиторлик ташкилоти фаолияти якунларининг бир нечта миқдор ва сифат кўрсаткичларидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолда Рейтинг коэффициенти деб аталади.

Рейтинг якунлари ҳисоб-китоби давомида ҳар бир коэффициентга муайян баллар берилади, улар кейинроқ ҳар бир параметр бўйича умумий балл ҳисоб-китоби учун ўртача миқдорда келтирилади. Барча параметрларнинг умумий балларини ўртачалаштириш воситасида аудиторлик ташкилотининг умумий якуний рейтинг бали чиқарилади.

Коэффициентлар ва параметрларнинг аниқ рўйхати, умумлаштирилган ва ўртачалаштирилган баллар ҳисоб-китоби тартиби Рейтингни баҳолаш услубиятида келтирилади.

**ТАСДИҚЛАНГАН**

*ЎЗБЕКИСТОН АУДИТОРЛАР ПАЛАТАСИ*
***Бошқарув раиси Р.ҲАЙДАРОВ.***
*24-сон*

*ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР МИЛЛИЙ УЮШМАСИ*
***Кенгаш раиси М.ТЎЛАХЎЖАЕВА.***
*99ª-сон*

*2008 йил 18 апрель.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РЕЙТИНГ БАҲОСИНИ БЕРИШ УСЛУБИЯТИ

Аудиторлик ташкилотларининг миллий рейтинги асосига республика аудиторлик ташкилотлари фаолиятини тавсифловчи таққосланадиган миқдор ва сифат кўрсаткичлари қўйилган.

Ҳар бир алоҳида олинган коэффициент бўйича аудиторлик ташкилотларининг энг яхши кўрсаткичлари эталон деб ҳисобланади. Бошқа аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг натижалари бўйича олинган коэффициентлар ушбу эталон билан солиштирилади.

Рейтингда аудиторлик ташкилотлари ёки аудиторлик-консалтинг гуруҳларининг аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмалари иштирок этадилар.

Аудиторлик ташкилотлари рейтинги лицензия турига боғлиқ ҳолда гуруҳлар бўйича ўтказилади:

– барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари «А» индексини оладилар;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг, бундан устав капитали 500 млн сўмдан кўп бўлган ОАЖлар, банклар ва суғурта ташкилотлари мустасно, ташаббусли ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари «В» индексини оладилар;

– фақат ташаббусли аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари «С» индексини оладилар.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидаги параметрлар ва коэффициентларга гуруҳланади:

***1. Миқёслилик (Км):***

– устав капитали миқдори шакллантириш санасида энг кам иш ҳақи миқдорига каррали миқдорда (М1);

– бажарилган бир шартноманинг ўртача қиймати (М2);

– жами тушум (М3);

– соф фойда (М4);

– юридик шахс ҳисобланмаган филиаллар миқдори (М5);

– ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб этиб бажарилган аудиторлик хизматлари ҳажми;

– ёрдамчи пудрат асосида бажарилган аудиторлик хизматлари ҳажми.

***2. Кадрлар салоҳияти (Кк):***

– ташкилот раҳбарини муваффақиятли аттестациялаш (К1);

– сертификатланган аудиторлар сони (К2);

– халқаро тан олинган сертификатли мутахассислар миқдори (К3);

– аудит бўйича ички стандартлар ва ўз ўқув-услубий қўлланмаларининг мавжудлиги (К4);

– штатда халқаро аудит тажрибасига эга бўлган аудиторларнинг мавжудлиги (К5);

– аудит ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида штатдаги аудиторларнинг ўртача иш стажи (К6).

***3. Фаолиятни диверсификациялаш (Кд):***

– ўтган йилга нисбатан тушумнинг ўсиши (Д1);

– халқаро лойиҳалар аудити, МҲХС ва ХАС бўйича хизматлар (Д2);

– кредит муассасалари аудити (Д3);

– суғурта ташкилотлари ва инвестиция институтлари аудити (Д4);

– устав капитали 500 млн сўмдан зиёд бўлган акциядорлик жамиятлари аудити (Д5).

***4. Имижни йўқотмаслик (Кн):***

– реклама ва вакиллик харажатлари миқдори (Н1);

– касбий ташкилотларга аъзолик (Н2);

– ўз офисининг мавжудлиги (Н3);

– офисни ижарга олиш харажатлари (Н4);

– оммавий фаолият (чоп этилган мақолалар, китоблар, семинарлардаги чиқишлар, дарс бериш) (Н5).

***5. Барқарорлик (Кб):***

– соф активлар миқдори (Б1);

– уларнинг услубиятидан фойдаланиш ва уларнинг сифат ташқи назорати тизимидан ўтиш ҳуқуқи билан бирга аудиторлик фирмаларининг халқаро ёки миллий тармоғига кириш (Б2);

– сифатнинг ташқи назоратидан ўтиш (Б3);

– кадрларни тайёрлаш харажатлари (Б4);

– аудит бозоридаги фаолият муддати (Б5);

– штатдаги аудиторлар иш ҳақининг ўртача миқдори (Б6).

Аудиторлик ташкилотларининг рейтинги аудиторлик ташкилотларини демпинг сиёсатини қўлламаслик, касбий ташкилот аъзоси бўлиш, ўз фаолиятини пухта ва ошкора амалга ошириш, ўз кадрлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ўз фаолиятини диверсификациялашга қизиқтиришга йўналтирилган.

***Параметрларнинг коэффициентлари***

Ҳар бир параметрнинг аҳамиятига сифат баҳосини бериш учун уларга муайян коэффициент берилади:

1. Миқёслилик – 0,2;
2. Кадрлар салоҳияти – 0,03;
3. Фаолиятни диверсификациялаш – 0,2;
4. Имижни йўқотмаслик – 0,05;
5. Барқарорлик – 0,25.

***Рейтингни баҳолаш ҳисоб-китоби***

Умумий кўринишда аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг таққосланадиган рейтинг баҳоси алгоритми қуйидаги амалларнинг кетма-кетлиги кўринишида тақдим этилади:

1. Аудиторлик ташкилотларининг маълумотлари матрица ($a_{ij}$), яъни сатрлар бўйича параметрлар номи (i=М, К, Д, Н, Б), устунлар бўйича эса аудиторлик ташкилотлари номи (j = 1, 2, 3, ... m) ёзилган жадвал кўринишида тақдим этилади.

2. Ҳар бир параметр бўйича энг юқори қиймат жойлашади ва шартли эталон аудиторлик ташкилоти устунига киритилади (m+1).

3. Матрицанинг бошланғич кўрсаткичлари эталон j-нчи аудиторлик ташкилотининг тегишли кўрсаткичига нисбатан қуйидаги формула бўйича стандартлаштирилади:

$$x_{ij} = \frac{a_{ij}}{\max_j a_i},$$

бу ерда $x_{ij}$ – j-нчи аудиторлик ташкилоти ҳолатининг стандартлаштирилган кўрсаткичлари.

4. Ҳар бир таҳлил қилинаётган аудиторлик ташкилоти учун унинг рейтинг баҳоси қиймати қуйидаги формулалардан бири бўйича аниқланади:

$$R_j = \sqrt{a_{1j}^2 + a_{2j}^2 + ... + a_{mj}^2} \quad (А),$$

$$R_j = \sqrt{k_1 a_{1j}^2 + k_2 a_{2j}^2 + ... + k_m a_{mj}^2} \quad (В),$$

$$R_j = \sqrt{k_1(1-x_{1j})^2 + k_2(1-x_{2j})^2 + ... + k_m(1-x_{mj})^2}$$

бу ерда $x_{1j}$, $x_{2j}$ ... $x_{mj}$ - j-нчи таҳлил қилинаётган аудиторлик ташкилотининг стандартлаштирилган кўрсаткичлари ва $k_1$, $k_2$, ... $k_m$ параметрлар кўрсаткичларининг вазн коэффициентлари.

(А) формуласи j-нчи таҳлил қилинаётган аудиторлик ташкилоти учун рейтинг баҳосини координаталар бошидан энг кўп узоқлашуви бўйича аниқлайди. Бир томонга йўналган барча кўрсаткичлар бўйича жами натижаси қолганларникидан юқори бўлган аудиторлик ташкилоти энг юқори рейтингга эгадир.

(В) формуласи (А) формуласининг бир туридир. У эксперт йўли билан аниқланадиган кўрсаткичларнинг аҳамиятини ҳисобга олади. Айрим кўрсаткичлар учун коэффициентларни жорий этиш зарурати Рейтинг истеъмолчиларининг эҳтиёжларига мувофиқ баҳони табақалаштираётганда пайдо бўлади.

(С) формуласи ҳам Рейтинг асосий формуласининг ўхшаш тури ҳисобланади. У аудиторлик ташкилоти – эталонга нисбатан рейтинг баҳоси ҳисоб-китоби айрим кўрсаткичларнинг аҳамиятини ҳисобга олади.

5. Аудиторлик ташкилотлари рейтинг баҳосининг ўсиш тартибида ҳисобга олинади. R энг кўп қийматига эга бўлган аудиторлик ташкилоти энг юқори рейтингга (1 ўрин) эга бўлади.

***Услубиятнинг асосий тавсифлари***

Услубият аудиторлик ташкилоти фаолиятига баҳо беришда комплекс, кўп ўлчовли ёндашувга асосланади.

Рейтинг баҳоси аудиторлик ташкилотларининг расман олинган ҳисоботлари (материаллари) асосида амалга оширилади. Унинг ҳисоб-китоби учун аудиторлик ташкилоти фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичларидан фойдаланилади. Шунингдек ҳар бир кўрсаткич, параметрнинг аҳамиятини белгилайдиган кўрсаткичлардан фойдаланилади.

● РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

Р_7-47-03

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- **Хўжалик низосини тез ҳал этиш** (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- **Иш кўришнинг тежамлилиги** (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- **Судьяларнинг малакаси** (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- **Мобиллик** (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тугаллиги** (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши,** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди**

Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6. Телефон (+998-71) 2394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2-бетда

маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Юридик ва жисмоний шахслар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича солиққа тортиш базаси 5 йил муддатга Республика теннис мактабини қўллаб-қувватлаш мақсадларига ҳомийлик (беғараз) ёрдам сифатида ўтказиладиган маблағлар суммаси миқдорида камайтирилади. Мактабнинг ўзи 2013 йилнинг 1 январигача бўшайдиган маблағларни мактаб устав вазифаларини бажаришга мақсадли йўналтирган ҳолда барча турдаги солиқларни тўлашдан, шунингдек божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилади.

### ИПОТЕКА УЧУН ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБ

**Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг қарори билан Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги муваққат йўриқнома тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 25 апрелда 1798-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*.**

Ҳужжатга мувофиқ, ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкнинг жойлашган жойи бўйича ваколатли рўйхатдан ўтказувчи органлар (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг бошқармалари) томонидан амалга оширилади. Ипотека тўғрисидаги шартнома рўйхатдан ўтказилишидан ташқари, нотариал тартибда тасдиқланиши ҳам лозим. Бир мажбурият бажарилишини таъминлаш учун ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк (олдинги ипотека) ўша ёки ўзга қарздорнинг бошқа мажбурияти бажарилишини таъминлаш учун ўша ипотекага олувчининг ўзига ёхуд бошқа ипотекага олувчига гаровга берилиши мумкин (навбатдаги ипотека).

**2008 йил 5 майдан кучга кирди.**

### СИНОВДАН ЎТКАЗГАН ЯХШИ

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг қўшма қарори билан Қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини синовдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 30 апрелда 1800-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*.**

Синов маҳсулоти бўлиб республикада ёки хорижда ишлаб чиқарилган тракторлар, қишлоқ хўжалик техникалари, ускуналар ва технологиялар ҳисобланади. Улар республика қишлоқ хўжалигида ишлатишда ишончлилигини ва самарадорлигини текшириб кўриш мақсадида синовдан ўтказилади. Ҳужжат синовлар режасини тузиш тартибини, норматив-техник ҳужжатлар талабларини қониқтириш ҳолатини назорат қилиш тартибини белгилаб беради. Техника буюртмачилар билан тузилган шартнома асосида ЎзҚТТСДМда синовдан ўтказилади, техникани синовдан ўтказиш, шу жумладан уни олиб келиш муддатлари шартноманинг зарурий шартлари ҳисобланади.

**2008 йил 10 майдан кучга киради.**

### АКЦИЯЛАРИНГИЗ ЛИСТИНГГА ҚЎЙИЛГАНМИ?

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг қарори билан Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 1 майда 1801-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*.**

Фонд биржасида листингга қўйиш таомилидан (акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини расмий биржа ахборотномасига киритган ҳолда, фонд биржаси савдоларига қўйиш):

– устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган;

– 500 ва ундан зиёд акциядорларга эга бўлган;

– молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари листингга қўйиш талабларига мувофиқ келадиган акциядорлик жамиятлари мажбурий ўтадилар.

Низом ёпиқ акциядорлик жамиятлари ва тижорат банкларига татбиқ этилмайди.

Мажбурий листингга қўйиш тааллуқли бўлган АЖларнинг йиллик рўйхатини аниқлаш мақсадида Марказий депозитарий ҳар йилнинг 15 мартидан кечиктирмасдан, устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган ва акциядорлари 500 ва ундан зиёд бўлган жамиятларнинг рўйхатини фонд биржасига тақдим этади. У эса рўйхатни олгандан сўнг 10 иш куни ичида, листингга қўйиш таомиллари учун молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини тақдим этиш тўғрисида АЖларни ёзма равишда хабардор қилади. АЖ ҳужжатга назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда, фонд биржаси жамиятни фонд биржасининг расмий биржа ахборотномасига киритади. Мажбурий листингга қўйиш тааллуқли бўлмаган АЖлар фонд биржасининг биржа савдоси қоидаларида назарда тутилган тартибда листингга қўйиш таомилидан ўтишга ҳақлидирлар.

**2008 йил 11 майдан кучга киради.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 26 апрелдан 2 майгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 18-сони асосида тайёрланди.***

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

**ТУЗАТИШ**

**Май ойи учун «Солиқ тўловчининг тақвими»га** *(«Норма маслаҳатчи», 2008 йил 25 апрелдаги 17 (146)-сон)*:

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга МВ ва ДСҚнинг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 18 мартда 1446-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган, «Норма маслаҳатчи»нинг 14 (143)-сонида чоп этилган)* билан ўзгартишлар киритилгани муносабати билан, апрель ойи учун корхоналар томонидан мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва уларни тўлашнинг сўнгги куни бўлиб 25 май ҳисобланади (микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно, улар ҳисоб-китобни ҳар чоракда тақдим этадилар).

*Кадрлар бўлими*

# МЕҲНАТ ДАВРИ СОЛНОМАСИНИ ЮРИТАМИЗ

### ИШДАН БЎШАГАНДА

Амалдаги қонунчиликнинг талабларига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинишини расмийлаштирилаётганида меҳнат дафтарчасида ходимни ишдан бўшатиш сабаблари кўрсатилмайди. Улар иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғида Меҳнат кодекси ёки бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ҳужжатнинг моддаси (банди)га албатта ҳавола қилган ҳолда уни бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутадиган моддалари формулировкаларига аниқ мувофиқликда кўрсатилиши керак.

Меҳнат дафтарчасига меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ёзувлар қуйидаги тартибда киритилади: 1-устунда – ёзувнинг тартиб рақами; 2-устунда – меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси; 3-устунда – меҳнат шартномасининг бекор қилиниши; 4-устунда қандай ҳужжат асосида ушбу ёзув киритилганлиги, буйруқ санаси ва рақами кўрсатилади.

Масалан, ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат шартномаси 2007 йил 12 июлда бекор қилинганда, ушбу сана Меҳнат кодексининг 107-моддасига кўра охирги иш куни ҳисобланади, меҳнат дафтарчасининг «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимига (3-устун) қуйидаги ёзув киритилади: *«Меҳнат шартномаси бекор қилинди»* ***(таҳр.*** *– «Норма маслаҳатчи»нинг 16 (145)-сонидаги «Қонуний ишдан бўшатиш» материалининг охирги хатбошисида хато равишда бундай ҳолларда «Меҳнат муносабатлари бекор қилинди» деб ёзиш тавсия қилинган. Бундай ёзув вафот этган ходимнинг меҳнат дафтарчасига қайд этилади (афсуски, ҳаётда шундай ҳоллар ҳам учрайди) ва белгиланган тартибда тасдиқланади (Йўриқноманинг 3.4-банди).*

### МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИГА ҚЎШИМЧА ВАРАҚ

Меҳнат дафтарчасида тегишли бўлимларнинг барча саҳифалари тўлса, ходимнинг асосий иш жойидаги иш берувчи қўшимча варақ (вкладиш) бериши керак. Меҳнат дафтарчасиз у ҳақиқий эмас ва меҳнат дафтарчаси сингари тартибда берилади.

Берилган қўшимча варақ тўғрисида меҳнат дафтарчасининг биринчи саҳифасининг юқори қисмида ёзиб қўйилади: «Қўшимча варақ берилган» ва унинг рақами ҳамда серияси кўрсатилади. Ҳар гал қўшимча варақ бериб борилганида худди шундай ёзув қайд этилади.

### ХАТОЛАРНИ ТУЗАТАМИЗ

Амалиётнинг кўрсатишича, меҳнат дафтарчаларида кўпинча сўзларни қисқартиришлардан фойдаланилади. Ҳолбуки бундай қилишга йўл қўйилмайди. Масалан, «Буйруқ ўрнига «Буйр.», «Фармойиш» ўрнига «Фарм.», «Ўтказилди» ўрнига «Ўтк.» ва ҳоказоларни ёзиш мумкин эмас.

Ҳар биримиз меҳнат дафтарчасидаги нотўғри ёзувни тузатиш мумкинлигини биламиз. Бироқ буни қандай қилиб тўғри бажариш кераклигини ҳаммамиз билавермаймиз. Шу сабабли айни «Иши тўғрисида маълумотлар» бўлимидаги хатолар кўпроқ учрайди.

Асосий қоида қуйидагича: нотўғри ёзувнинг устига чизиб қўйиш мумкин эмас. Хатони тузатиш учун 1-устунда кейинги тартиб рақамини кўрсатган ҳолда ёзув қайд этилиши керак. 2-устунда тўғри ёзувни киритиш санаси кўрсатилади. 3-устунда қайси рақам остидаги ёзув ҳақиқий эмас деб ҳисобланишини кўрсатиш, тўғри матнни ёзиш лозим. Мисол учун, *«___ рақамли ёзув ҳақиқий эмас. Қуйидаги касб (лавозим) бўйича қабул қилинди»*, 4-устунда эса иш берувчи буйруғи (фармойиши) ёки бошқа қарорининг санаси ва рақамини такрорлаш керак. Худди шу тартибда ишдан бўшатиш ёки бошқа доимий ишга ўтказиш тўғрисидаги ёзув ҳақиқий эмас деб эътироф этилади ҳамда меҳнатга оид низоларни кўрувчи орган аниқлаган ноқонуний ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш ҳолатида аввалги ишга тикланади. Бунда шундай деб ёзилади: *«___ рақамли ёзув ҳақиқий эмас, аввалги ишига тикланди»*. Бу ҳолда 4-устунда ишга тиклаш тўғрисидаги буйруққа ҳавола қилинади.

Йўриқноманинг 2.4-бандидан келиб чиқадики, меҳнат дафтарчасига тузатишларни ноаниқликка йўл қўйилган иш берувчи киритиши керак. Иш берувчи янги иш жойида ушбу ходимга зарур ёрдамни кўрсатиши шарт.

Агар, масалан, нотўғри ёзув киритган ташкилот қайта ташкил қилинган ёки тугатилган бўлса, нима қилиш керак? Бу саволга жавобни Йўриқноманинг 2.6-банди беради. Бундай ҳолда тузатишни тугатилган корхона бўйсунган юқори ташкилот, у бўлмаган тақдирда эса – ҳуқуқий ворис – янги иш жойидаги иш берувчи архив маълумотлари асосида киритиши керак.

Ва охиргиси. Ишдан бўшаётганда ходимнинг меҳнат дафтарчасига унинг иш берувчи қўлида ишлаган вақтида киритилган барча ёзувлар иш берувчи ёки меҳнат дафтарчаларини юритиш учун масъул шахснинг имзоси ҳамда ташкилот (кадрлар бўлими)нинг муҳри билан тасдиқланади.

### МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИНГ ДУБЛИКАТИ ВА НУСХАСИ

Иш берувчи ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликатини қачон бериши шарт? Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг *(АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Йўриқнома)* IV бўлими икки ҳолатни назарда тутади.

***Биринчи ҳолат.*** Ходим меҳнат дафтарчасини йўқотди. Йўриқноманинг 4.2-бандига кўра бундай ҳолда у бу ҳақда охирги иш жойидаги иш берувчига дарҳол маълум қилиши (ариза ёзиши) керак, иш берувчи ходим ариза берган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай, биринчи саҳифанинг юқоридаги ўнг томонида «Дубликат» ёзуви бўлган дубликатни беради.

Дубликат меҳнат дафтарчасини тўлдиришнинг умумий қоидалари бўйича расмийлаштирилади. Унга мазкур ташкилотда иш бошлагунга қадар ходимнинг умумий иш стажи тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар киритилади.

Аввалига жами умумий иш стажи ёзилади, яъни ишлаш йиллари, ойлари, кунларининг умумий миқдори кўрсатилади, бунда ташкилот, иш даврлари ва ходимнинг лавозимлари аниқлаштирилмайди. Сўнгра (тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлса) иш стажи меҳнат фаолиятининг айрим даврлари бўйича ёзилади. Бунда: 2-устунда ишга қабул қилиш санаси, 3-устунда – ходим ишлаган ташкилот (иш берувчи)нинг номи, шунингдек таркибий бўлинма ва ходим ишга қабул қилинган малакани кўрсатган ҳолда иш (лавозим), ихтисослик, касб, 4-устунда – тегишли ҳужжатнинг номи, рақами ва санасини кўрсатиш лозим.

Агар уларга асосан меҳнат дафтарчасига ёзувлар киритилган ҳужжатлар олдинги иш тўғрисида тўлиқ маълумотлар мавжуд бўлмаса, меҳнат дафтарчасининг дубликатига фақат тасдиқланган маълумотлар киритилади.

Хизматга қабул қилинган ва ундан бўшаган саналари кўрсатилган ҳолда халқ қўшинлари ва партизан отрядларида бўлганлик ҳамда ҳунармандчилик ширкат артелининг аъзоси сифатида ишлаш вақти тўғрисидаги ёзувлар жами умумий иш стажида кўрсатилмайди. Ушбу маълумотлар тегишли ҳужжатларнинг санаси, рақами ва номига ҳавола қилган ҳолда алоҳида сатр билан ёзилади.

***Иккинчи ҳолат.*** Меҳнат дафтарчаси яроқсиз ҳолга келган (ёнган, йиртилган, ёзувлари бўялган ва ҳоказо). Бунда дубликат бериш тартиби худди биринчи ҳолатдагидек бўлади.

Агар меҳнат дафтарчасига ходимни ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш тўғрисида ҳақиқий эмас деб топилган ёзув киритилган бўлса, у дубликат бериш учун асос бўлмайди.

Бу ҳолатда унга юқорида айтилганидек, Йўриқноманинг 2.8-бандида назарда тутилган тартибда тузатиш киритилади.

***Мисол.*** *«Қурилишресурс» МЧЖда мазкур ташкилотда 2004 йил 19 апрелдан бошлаб ишлаган электрик Е.А.Абдуллаевнинг меҳнат дафтарчаси йўқолган. Ишга қабул қилиш тўғрисида 19.04.2004 йилдаги 34/к-сонли буйруқ мавжуд. «Қурилишресурс» МЧЖга ишга қабул қилишгача Е.А.Абдуллаевнинг умумий меҳнат стажи унинг аввалги иш жойларидан маълумотномалар билан тасдиқланади:*

*– «Монтажчи» МЧЖ, 1997 йил 1 апрелда электрик ёрдамчиси сифатида ишга қабул қилинган, 1997 йил 22 декабрдан электрик ишига ўтказилган, 1998 йил 27 февралда ўз хоҳиши билан ишдан бўшаган. Тасдиқловчи ҳужжат – «Монтажчи» МЧЖнинг 5.05.2006 йилдаги 6/с-сон маълумотномаси;*

*– «Гефест» ИТФ, 1998 йил 9 мартда электрик сифатида ишга қабул қилинган, 2004 йил 18 апрелда ўз хоҳиши билан ишдан бўшаган. Тасдиқловчи ҳужжат – «Гефест» ИТФнинг 11.05.2006 йилдаги 28-сон маълумотномаси.*

Е.А.Абдуллаев меҳнат дафтарчасининг дубликати қуйидагича тарзда тўлдирилиши керак:

*Иши тўғрисидаги маълумотлар*

| т/р | Сана | | | Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар | Қайси ҳужжатга асосланиб ёзув киритилган (санаси, тартиб рақами) |
|---|---|---|---|---|---|
| | йил | кун | ой | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | "Қурилишресурс" МЧЖга ишга қабул қилинишигача умумий меҳнат стажи 7 йилу 9 кунни ташкил қилади | |
| | | | | "Монтажчи" МЧЖ | |
| 1 | 1997 | 01 | 04 | Электрик ёрдамчиси сифатида ишга қабул қилинган | 5.05.2006 йилдаги 6/с-сон маълумотнома |
| 2 | 1997 | 22 | 12 | Электрик ихтисосига ўтказилган | 5.05.2006 йилдаги 6/с-сон маълумотнома |
| 3 | 1998 | 27 | 02 | Меҳнат шартномаси бекор қилинган | 5.05.2006 йилдаги 6/с-сон маълумотнома |
| | | | | "Гефест" ИТФ | |
| 4 | 1998 | 09 | 03 | Электрик сифатида ишга қабул қилинган | 11.05.2006 йилдаги 28-сон маълумотнома |
| 5 | 2004 | 18 | 04 | Меҳнат шартномаси бекор қилинган | 11.05.2006 йилдаги 28-сон маълумотнома |
| | | | | "Қурилишресурс" МЧЖ | |
| 6 | 2004 | 19 | 04 | Электрик сифатида ишга қабул қилинган | 19.04.2004 йилдаги 34/к-сон буйруқ |

*Бунда аввалги иш жойларидаги ёзувларни муҳр билан тасдиқлаш лозим эмас.*

***Давоми. Боши 2008 йил 18 апрелдаги 16 (145)-сонда.***

*Охири бор.*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ:**

– «Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР молия вазирининг «Авиакеросин ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи;

– ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқлаш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДБҚнинг «Божхона транзит режими тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДБҚ, МВ, ДСҚнинг «Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларнинг мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида».

● **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 29 МАРТДАН 18 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## РЕСПУБЛИКА САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 16-сон, 119-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ-3937-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини мунтазам асосда ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Ўзэкспомарказ» МКК» очиқ акциядорлик жамияти тузилмасида Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг мунтазам асосда ўтказилишини ташкил этиш;

ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган ва ўзлаштирилиши истиқболли бўлган товарлар тўғрисида, бунинг учун ишлаб чиқариш ва технологик ресурсларга эга бўлган мамлакатимиз корхоналари тўғрисида, шунингдек бундай товарларни ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборотлар базасини, шу жумладан доимий равишда янгилаб бориладиган Интернет тармоғига жойлаштириш йўли билан юритиш ва хўжалик юритувчи субъектларни улардан кенг хабардор қилиш;

шерикларни излаб топишда ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш юзасидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида хўжалик шартномалари тузишда, шунингдек тармоқлараро ва ички тармоқ ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашда ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалар портфелларини шакллантиришда кўмаклашиш;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ташкилий қўмитаси қарорларини амалга ошириш.

3. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органининг ходимларнинг чекланган сони 12 нафардан иборат бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) тузилмаси 1-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органи фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда:

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органига унинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган ахборот материалларни мунтазам асосда тақдим этсин;

бир ой муддатда Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органининг самарали фаолиятини таъминловчи маълумотларнинг ахборот базаларини шакллантиришда ва доимий равишда янгилаб боришда ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

5. Белгилансинки:

«Ўзэкспомарказ» МКК» очиқ акциядорлик жамияти маблағлари, тузилган шартномалардан олинадиган воситачилик ҳақи, халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грант маблағлари, ҳомийлик ёрдами ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органи фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

«Ўзэкспормарказ» МКК» очиқ акциядорлик жамиятининг кўргазма майдонлари кичик бизнес корхоналарига — Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси қатнашчиларига имтиёзли тарифлар бўйича берилади.

6. 2008 йилда Республика саноат ярмаркаси ва Коопе-

рация биржасини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Комплекс тадбирлар 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий фаолият кўрсатувчи ташкилий қўмитаси (Р.Азимов) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналарнинг 2008 йил октябрь ойида Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини сифатли тайёрлаш ва ўтказиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 11 апрель*
*67-сон.*

---

**1, 3-иловалар берилмайди.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 11 апрелдаги 67-сон қарорига*
*2-ИЛОВА*

## РЕСПУБЛИКА САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ–3937-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ҳамда унинг Ижро этувчи органи фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси хўжалик юритувчи субъектларни республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида кенг хабардор қилиш, шерикларни излаб топишда ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасида хўжалик шартномалари тузишда ёрдам кўрсатиш мақсадида мунтазам асосда ўтказилади.

3. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси «Ўзэкспомарказ» ММК» очиқ акциядорлик жамияти кўргазма майдонларида ўтказилади.

4. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини ташкил этишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий фаолият кўрсатувчи ташкилий қўмитаси (кейинги ўринларда ташкилий қўмита деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини тайёрлаш ва ўтказиш ташкилий қўмита томонидан тасдиқланадиган Комплекс тадбирлар асосида амалга оширилади.

5. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органи (кейинги ўринларда Ижро этувчи орган деб аталади) «Ўзэкспомарказ» ММК» очиқ акциядорлик жамиятининг таркибий бўлинмаси ҳамда Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ташкилий қўмитасининг ишчи органи ҳисобланади.

### II. ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАННИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

6. Қуйидагилар Ижро этувчи органнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг мунтазам асосда ўтказилишини ташкил этиш;

ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган ва ўзлаштирилиши истиқболли бўлган товарлар тўғрисида, бунинг учун ишлаб чиқариш ва технологик ресурсларга эга бўлган мамлакатимиз корхоналари тўғрисида, шунингдек бундай товарларни ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборотлар базасини, шу жумладан доимий равишда янгилаб бориладиган Интернет тармоғига жойлаштириш йўли билан юритиш ва хўжалик юритувчи субъектларни улардан кенг хабардор қилиш;

шерикларни излаб топишда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш юзасидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида хўжалик шартномалари тузишда, шунингдек тармоқлараро ва ички тармоқ ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашда ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалар портфелларини шакллантиришда кўмаклашиш;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ташкилий қўмитаси қарорларини амалга ошириш.

7. Ижро этувчи орган ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган ва ўзлаштирилиши истиқболли бўлган товарлар тўғрисидаги, бунинг учун ишлаб чиқариш ва технологик ресурсларга эга бўлган мамлакатимиз корхоналари тўғрисидаги, шунингдек бундай товарларни ишлаб чиқаришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги (мавжуд бўлган тақдирда) доимий равишда янгилаб бориладиган ахборотлар маълумотлар базасини Интернет тармоғига жойлаштириш;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ички бозорда уларнинг корхоналари базасида, шунингдек ўзлаштирилган маҳсулотларнинг потенциал истеъмолчилари бўлган корхоналарда ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарларга, бутловчи буюмларга ва материалларга бўлган эҳтиёж тўғрисида аниқ манзилли хабардор қилиш;

импорт қилувчиларнинг мамлакатимиздаги потенциал маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан, шунга ўхшаш импорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар билан ишлаб чиқариш алоқаларини йўлга қўйиш учун амалий учрашувлари ва музокараларини ташкил этиш;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг биргаликдаги ишлаб чиқариш фаолиятини ва кооперация алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида мамлакатимизнинг бошқа ишлаб чиқарувчилари билан презентацияларини ташкил этиш;

мамлакатимиз хўжалик юритувчи субъектларини Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш саналари, тартиби ва уларда қатнашиш шартлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

ташкил этилаётган Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида хўжалик юритувчи субъектлар-


НОРМА МАСЛАҲАТЧИ N 19 (148) • 2008 йил 9 май 8

нинг — ишлаб чиқарувчиларнинг, биринчи навбатда мамлакатимиздаги импорт қилинаётганга ўхшаш маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг, шунингдек республикада ўзлаштирилиши истиқболли бўлган хорижий товарларни импорт қилувчиларнинг кенг тақдим этилишини таъминлаш;

миллий ишлаб чиқарувчиларга шерикларни излаб топишда ва Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида ўз маҳсулотини мамлакатимиз корхоналарига етказиб бериш юзасидан шартномалар тузишда кўмаклашиш;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, шунингдек бундай шартномалар қатнашчиларига ушбу реестрдан кўчирмалар бериш;

тармоқлараро Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномаларнинг бажарилишини таҳлил қилиш;

тармоқ ва минтақавий саноат ярмаркалари ташкилотчиларига уларни ўтказишда методик ёрдам кўрсатиш;

саноат кооперация алоқаларини чуқурлаштиришга ва маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳамда замонавий технологияларни ўзлаштириш асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтиришга йўналтирилган тадбирлар бўйича ахборотларни тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишни таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларида материаллар ва таҳлилий шарҳлар эълон қилиш;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий ишлайдиган ташкилий қўмитасига ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига Ижро этувчи орган фаолиятини, шунингдек Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнини мақбуллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

8. Ижро этувчи орган ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда Савдо-саноат палатаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

## III. РЕСПУБЛИКА САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАННИНГ ВАЗИРЛИКЛАР ВА ИДОРАЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон республика товар хом ашё биржаси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини, хўжалик бошқаруви органларини ва корхоналарни жалб этган ҳолда Ижро этувчи органга зарур ахборот материалларни мунтазам асосда тақдим этади.

10. Ахборот материалларни шакллантириш ва доимий равишда янгилаб боришда, бошланғич ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилишда, шунингдек кейинчалик маълумотлар базасига тақдим этишда вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

## IV. ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАННИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

11. Ижро этувчи орган ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий ишлайдиган ташкилий қўмитасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига Ижро этувчи орган фаолиятини, шунингдек Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнини мақбуллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигидан ушбу Низомда белгиланган маълумотларнинг электрон базаларини олиш.

12. Ижро этувчи орган:

маълумотларнинг доимий равишда янгилаб бориладиган ахборот базаларининг тизимли юритилиши ва Интернет тармоғига жойлаштирилиши ҳамда тармоқлараро ва ички тармоқ ишлаб чиқариш алоқаларини йўлга қўйишда ва мустаҳкамлашда ва ушбу Низомда белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалар портфелларини шакллантиришда кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши;

ишлаб чиқариладиган, импорт қилинадиган ва ўзлаштирилиши истиқболли бўлган товарлар тўғрисида, шунингдек бунинг учун ишлаб чиқариш ва технологик ресурсларга эга бўлган корхоналар тўғрисида, бундай товарларни (мавжуд бўлган тақдирда) ишлаб чиқаришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий ишлайдиган ташкилий қўмитаси билан Комплекс тадбирларни ўз вақтида келишилиши ва тасдиқланиши;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, корхоналарнинг Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ўтказилиш муддатлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиниши;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар реестрининг сифатли юритилиши учун жавоб беради.

Ижро этувчи орган ушбу Низомга мувофиқ ўзига юкланган бошқа вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

## V. ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

13. Ижро этувчи органга айни бир вақтда «Ўзэкспомарказ» ММК» очиқ акциядорлик жамияти бош директорининг ўринбосари ҳисобланадиган бошлиқ бошчилик қилади.

14. Ижро этувчи органнинг раҳбари Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ташкилий қўмитаси билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

15. Ижро этувчи орган раҳбари:

Ижро этувчи органнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди, Ижро этувчи органга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назоратни таъминлайди.

16. Ижро этувчи орган қуйидаги учта бўлимдан иборат бўлади:

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказишни ташкил этиш бўлими;

ахборот-таҳлилий таъминлаш ва маълумотлар базасини юритиш бўлими;

хўжалик юритувчи субъектлар билан ишлаш ва ишлаб чиқариш-кооперация алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш бўлими.

17. Ижро этувчи органнинг ходимлари Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ташкилий қўмитаси билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

18. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ташкилий қўмитаси Ижро этувчи органнинг тузилмасига ва ходимлари сонига ўзгартиришлар киритиши мумкин.

### VI. ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАННИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ

19. Ижро этувчи органни қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ*

## АВИАКЕРОСИН ЁҚИЛҒИСИ УЧУН ҚАТЪИЙ МИҚДОРДА БЕЛГИЛАНГАН АКЦИЗ СОЛИҒИ СТАВКАСИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 21 апрелда 1796-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 17-сон, 131-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ–744-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 534-модда) 12-1-сонли иловасига асосан **буюраман:**

1. Авиакеросин ёқилғиси учун белгиланган акциз солиғи ставкаси қайта кўриб чиқилиб, 25 250 сўм/тоннага миқдорида белгилансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 17 апрель*
*38-сон.*

***2008 йил 1 майдан кучга киради.***

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## КИЧИК ВА ЎРТА КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИГИ БЕЛГИЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 21 апрелда 829-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 17-сон, 134-модда)*

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ–66-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 17-18-сон, 130-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган «Кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқлаш тартиби» (1999 йил 9 октябрь, рўйхат рақами 829) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

***2008 йил 1 майдан кучга киради.***

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.***
***Б.УЛАШОВ.***
*6-сон*

***КЕЛИШИЛГАН:***
***Савдо-саноат палатаси раиси***
***А.ШАЙХОВ.***

*Тошкент ш., 2008 йил 14 апрель.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## БОЖХОНА ТРАНЗИТ РЕЖИМИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 21 апрелда 577-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 17-сон, 137-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 4 октябрдаги ПҚ–703-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 1998 йил 24 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган «Божхона транзит режими тўғрисидаги низом»га (1998 йил 23 декабрь, рўйхат рақами 577) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Хайруллаев зиммасига юклатилсин.

***Давлат божхона қўмитаси раиси С.НОСИРОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 10 апрель*
*01-02/12-32-сон.*

***2008 йил 1 майдан кучга киради.***

*ЎзР ДБҚнинг 2008 йил 10 апрелдаги*
*01-02/12-32-сон қарорига*
*ИЛОВА*

### БОЖХОНА ТРАНЗИТ РЕЖИМИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР

1. 2-банд қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг автомобиль ва темир йўл транспорти воситасидаги транзит ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 октябрдаги «Акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-703-сон қарори талабларига мувофиқ амалга оширилади».

2. 5-банд қуйидаги мазмундаги учинчи-бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг автомобиль ва темир йўл транспорти воситасидаги транзит ҳаракати Вазирлар Маҳкамасининг рухсатига биноан, қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда амалга оширилади:

ташувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг депозит ҳисобварағига тегишли божхона тўловларининг барча суммаси тўланиши шарт, кейинчалик маҳсулот республика ташқарисига олиб чиқиб кетилганлиги далили тасдиқлангандан сўнг тўланган суммалар қайтарилади;

товар ишлаб чиқарилган мамлакат сертификати, товар сифати сертификати, уни етказиб бериш шартномаси (битими), товарлар бир нечта туркумга ажратилиб, транзит йўли билан ташилган тақдирда, уни олиб ўтиш жадвалининг мавжудлиги».

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ,*
*МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ОЛИБ ЎТИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ МАҚСАДИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 22 апрелда 1147-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 17-сон, 138-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 197, 211 ва 230-моддалари, «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддаси, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 7-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ–744-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 534-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Иловага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 1 июнда 02/8-15, 01-03/32, ва 2002-53-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали жисмоний

***2008 йил 2 майдан кучга киради.***

шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларнинг мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2002 йил 4 июнь, рўйхат рақами 1147 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил 11-12-сон, 2003 йил 3-сон) ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Давлат божхона қўмитаси раиси С.НОСИРОВ.***
*01-02/8-19-сон*

***Молия вазири Р.АЗИМОВ.***
*31-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.ПАРПИЕВ.***
*2008-17-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 7 апрель.*

*ЎзР ДБҚ, МВ ва ДСҚнинг 2008 йил 7 апрелдаги 01-02/8-19, 31 ва 2008-17-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ОЛИБ ЎТИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ МАҚСАДИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 6-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Товар жисмоний шахс номига келганда (халқаро почта жўнатмаларидан ташқари) божхона тўловлари, бож ва акциз солиғи тўламасдан товарлар олиб киришнинг меъёрларини қўлламасдан, олиб кирилаётгган товарнинг бутун суммасидан олинади».

2. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикасига доимий равишда яшаш учун кўчиб келаётган чет эл давлатларининг жисмоний шахслари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришдан олдин улар томонидан сотиб олинган шахсий мол-мулкни умумий қиймати чекланмаган ҳолда ва божхона божи солинмаган ҳолда чегараланмаган миқдорда олиб киришлари мумкин, автотранспорт воситалари бундан мустасно.

